

Дин етакчиларининг VI қурултойи бўлиб ўтади



20:05 / 09.10.2018 3125

Жорий йилнинг 10-11 октябрь кунлари Қозоғистон Республикасининг Остона шаҳрида Жаҳон ва анъанавий динлар етакчиларининг VI қурултойи (съезди) бўлиб ўтади. Ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси делегациясининг ҳам иштирок этиши кутилмоқда.

Анжуман бугунги кунда динлараро ҳамкорлик масалалари борасида музокара ўтказиш учун йирик минбар ҳисобланади. Жорий йилда ушбу тадбирда иштирок этиш учун дунёнинг 42 мамлакатидан 80 дан ортиқ делегация вакиллари ташриф буюришлари кутилмоқда.

Kazakh-tv.kz нашрининг хабар беришича, жаҳоннинг таниқли давлат ва жамоат арбоблари анжуман доирасида замонавий тартиботнинг

муаммолари ва чақириқларига ечим топишга умид билдирганлар.

Олтинчи марта ўтказилаётган анжуман "Дин етакчилари хавфсиз дунё учун" шиори остида ўтказилади.

Қозоғистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг берган маълумотларига кўра, анжуманда Сербия президенти, Ислам ҳамкорлик ташкилоти раиси, ЕХҲТ раҳбарлари иштирок этишади. Бундан ташқари, Ўзбекистон, Сингапур, Вьетнам каби давлат вакиллари илк марта иштирок этишлари айtilган.

***Islom.uz* портали таҳририяти**